

МОДУЛЛИ ТАЪЛИМНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

*Б.Р.Адизов п.ф.д., профессор
БухДУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш минтақавий маркази директори.
М.Ҳикматова БухДУ магистри.*

Мақолада Олий таълим муассасаларида таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда модулли таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг имкониятлари ўрганилган.

В данной статье рассматриваются своеобразные стороны модульного обучения и его возможности в повышении эффективности процесса обучения в высших учебных заведениях.

The article deals with peculiarity features and advantages of module-education in improving the effectiveness of teaching process in Higher Education System.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари олий таълим тизимида ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, замонавий таълимни, шунингдек, шахс имкониятларини талаб даражасида амалга оширилишининг шартли сифатида таълим парадигмаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Олий таълимга бўлган эътиборнинг тобора ортиб боришига жаҳон миқёсида кузатилаётган бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда:

-юқори ривожланиш суръатига эга, ўзгарувчан, кўп функцияли, замонавий шароитда ижтимоий маконда муваффақиятли фаолият юритиш учун таълим соҳаси мутахассисларининг касбий фаолиятига қўйиладиган талабларнинг ўсиши;

-жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тараққиёт учун касбий ва коммуникатив жараёнларнинг асосларига доир аҳамиятлилигининг кучайиши;

-мутахассис ва шахс сифатида мукамалликка интилиш ҳақидаги тасаввурлар, қарашларнинг барқарор эмаслиги ва шу кабилар.

Шу нуктаи назардан талабаларда мустақил, мантикий мушоҳада юритиш қобилиятларини, глобаллашув жараёнида ахборотларни танлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари таркиб топтириш муҳимдир.

Олий таълимга қўйилган бу вазифаларни амалга оширишда модулли таълимни имкониятлари анъанавий таълимга нисбатан кенг.

Модулли таълимнинг анъанавий таълимдан фарқли хусусиятлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Анъанавий таълим		Модулли таълим
Ўқитувчи раҳбар, таълим олувчи-		Таълим олувчи мустақил

тобе. Дарс-асосий иш шакли, имтиҳон эса ўзлаштирилган билимларни аниқлаш даражаси. Бир томонлама йўналтирилган ахборот. Бир томонлама мулоқот. Ўқитувчи раҳбар сифатида доим марказий фигура. Ўқитувчидан ахборот олиш, хотирада сақлаш, маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.	равишда ўз дастурини танлайди. Талабанинг мустақиллиги ривожлантирилиб борилади. Фикрлаш ва амалий фаолият орқали билим олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш. Икки томонлама мулоқот, мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.
---	---

Модулли таълим қуйидаги масалаларни ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

-ўқитишни индивидуаллаштириш;

-ўқув материални ўрганишнинг кетма-кетлиги, асосий тушунчалар, эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, ўзлаштириш даражаси ва ўзлаштириш сифатини назорат қилиш;

-касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш, мустақиллик ва ўқиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш;

-талабаларни ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг ўргатувчи фаолиятдан талабанинг идрок этиш фаолиятига йўналтириш;

-талабалар адабиётлар билан ишлаш, таклиф этилган дастур асосида назарий билим олиш, назарий билимларни амалий кўникмаларга айлантириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида тегишли хулосалар чиқариш, мустақил фикрга эга бўлиш ва уни ҳимоя қилиш, қўйилган муаммога ижодий ёндашиш, ўз-ўзини ва ўзгалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, олинган билим, кўникма ва малакаларни келгуси касбий фаолияти билан боғлашга йўналтириш;

-талабаларни таълим жараёнининг фаол субъекти сифатидаги иштироки таъминланади.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, модулли таълим асосида фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга, таълим жараёнини жадаллаштиришга, талабаларнинг ўзлаштиришини доимий назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

Адабиётлар:

1.Ананьева Е.И. Модульное обучение студентов как педагогическая проблема.//Вестник ОГУ-№4, 2006 г.-4-12

2.Эгамбердиева Н.М.. Маданий–инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти. Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент, 2010 й. 41 б.